



EFFECTIVENESS OF PROSECUTORIAL ACTIVITIES IN CONSIDERING APPEALS OF PERSONS WITH DISABILITIES

Shukhrat Shabanovich Khikmatov

*Independent researcher of the Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: prosecution bodies, citizens' appeals, persons with disabilities, legal protection, inclusion, rule of law.

Received: 02.11.25

Accepted: 03.11.25

Published: 04.11.25

Abstract: The article examines the activities of the prosecution bodies in handling citizens' appeals, with a particular focus on appeals from persons with disabilities. It highlights the legal and practical aspects of this work within the framework of Article 40 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan and the Law "On Appeals of Individuals and Legal Entities." The growth in the number of appeals is noted as both an indicator of increasing public trust in the prosecution and a sign of unresolved regional issues. The paper analyzes the main problems raised in appeals from persons with disabilities, foreign best practices, and proposals for improving national legislation. The necessity of introducing inclusive approaches and principles of social sensitivity into prosecutorial activities is substantiated.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА ПРОКУРАТУРА ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Шухрат Шабанович Ҳикматов

Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: прокуратура органлари, фуқаролар мурожаатлари, ногиронлиги бўлган шахслар, ҳуқуқий ҳимоя, инклюзия, қонун устуворлиги.

Аннотация: Мақолада прокуратура органларининг фуқаролар мурожаатларини, айниқса ногиронлиги бўлган шахслар мурожаатларини кўриб

чиқишдаги фаолияти таҳлил қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси ва “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни доирасида мурожаатларни кўриб чиқишнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари ёритилган. Мурожаатлар сонининг ўсиши прокуратурага ишончнинг ортиши ва ҳудудлардаги муаммолар мавжудлигини англатиши таъкидланади. Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган шахслар мурожаатларида учрайдиган асосий муаммолар, хорижий тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш таклифлари баён этилган. Прокуратура фаолиятида инклюзив ёндашув ва ижтимоий адолат тамойилларини жорий этиш зарурлиги асослаб берилган.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОКУРАТУРЫ ПРИ РАССМОТРЕНИИ ОБРАЩЕНИЙ ЛИЦ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ

Шухрат Шабанович Хикматов

Самостоятельный соискатель

Правоохранительной академии Республика Узбекистан

Ташкент, Ўзбекистон

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	органы	Аннотация:	В статье
прокуратуры, обращения граждан, лица с инвалидностью, правовая защита, инклюзия, верховенство закона.		рассматривается деятельность органов прокуратуры по рассмотрению обращений граждан, в частности обращений лиц с инвалидностью. Освещены правовые и практические аспекты работы в рамках статьи 40 Конституции Республики Узбекистан и Закона «Об обращениях физических и юридических лиц». Отмечается, что рост количества обращений свидетельствует об увеличении доверия к прокуратуре, а также указывает на наличие нерешённых проблем в регионах. Проанализированы основные проблемы, поднимаемые в обращениях лиц с инвалидностью, зарубежный опыт и предложения по совершенствованию национального законодательства. Обоснована необходимость внедрения принципов инклюзивного подхода и социальной чувствительности в деятельность прокуратуры.	

Кириш. Прокуратура органларининг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишдаги фаолияти ҳуқуқий давлатнинг асосий устунларидан бири ҳисобланади. Бу жараён фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонун устиворлигини мустаҳкамлаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади. Айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор қаратилиши уларнинг ижтимоий интеграцияси ва ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, хориж тажрибаси, мурожаатларни кўриб чиқишда устуворлик бериш ва қулай муҳит яратиш йўналишида, миллий қонунчиликни такомиллаштириш учун асос бўла олади. Демак, прокуратуранинг асосий йўналишлардан бири, бу фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўлиб, бу фаолият инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини муҳофаза қилиш, шунингдек, мамлакатда қонун устиворлигини оширишга қаратилган.

Прокуратура органлари «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни талабларини сўзсиз бажарилишини назорат қилиш борасида қатор тадбирлар амалга ошириб келинади. Биргина 2024 йил мобайнида 4 мингдан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, 1 704 нафар шахс маъмурий, интизомий ва моддий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, прокуратура органлари томонидан 273 703 та мурожаат ҳал этилди ва 372 501 нафар фуқаро прокурорлар томонидан жойларда қабул қилинди. Мурожаатлар сонининг ошиши фуқароларнинг прокуратурага бўлган ишончини кўрсатса-да, бу шунингдек, ҳудудларда мавжуд муаммоларнинг индикатори сифатида ишлайди. Конституциянинг 40-моддасига кўра, ҳар бир шахс давлат органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу мурожаатлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартдир. Прокуратура органларининг мурожаатлар билан боғлиқ фаолияти ва фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича натижаларни кўриб чиқиш аҳамиятга эга.

Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатларига эътибор бериш алоҳида белгилаб қўйилган. Бу қонунчилик фуқароларнинг давлат органларига, шу жумладан прокуратурага, мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлайди. Муҳим муаммо, шубҳасиз, прокуратуранинг мурожаатларни кўриб чиқишдаги усуллари ва қонунни ишлатишдаги мураккабликлардан келиб чиқади. Мурожаатлар сонининг ўсиши прокуратурага бўлган ишончни ва минтақалардаги муаммоларни кўрсатмоқда.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслардан тушган мурожаатлар бўйича қонуний бузилишларни бартараф этишга қаратилган самарали чоралар кўрилмоқда. Мурожаатлардан олинган маълумотларга кўра, кўплаб ҳудудларда ногиронлиги бўлган

шахслар учун қулай муҳит яратиш, муҳим дори-дармонлар билан таъминлаш, нафақалар тўлаш, турар-жой билан таъминлаш, таълим ва ишга жойлаштириш масалаларида прокурорларининг аралашуви талаб этилган. Мурожаатларни кўриб чиқишда прокуратура фаолияти статистикаси мавжуд эмас, лекин Бош прокуратуранинг расмий сайтида тақдим этилган маълумотлар асосида ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатлари сонининг ўсиш динамикасига доир хулоса чиқариш мумкин.

Кўпинча ногиронлиги бўлган шахсларнинг мурожаатларида турар-жой ва мол-мулк ҳуқуқларининг бузилиши, дори-дармонлар ва реабилитация воситалари билан таъминланишдаги камчиликлар, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот масалалари ҳақидаги шикоятлар кўзга ташланади. Шунингдек, прокуратура биоларининг ногиронлиги бўлган шахслар учун бемалол кириш имконини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда прокуратура биоларининг аксариятида пандусларнинг йўқлиги ёки тегишли талабларга жавоб бермаслиги ҳам асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун прокуратура органларига электрон мурожаатлар юбориш имконияти, албатта, муҳим аҳамиятга эга. Бироқ шахсий қабул бўйича хорижий тажриба ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, Россия Федерациясининг 2006 йил 2 майдаги 59-ФЗ-сонли қонунининг 13-моддасининг 7-бандига мувофиқ, баъзи фуқаролар, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар, шахсий қабул қилишда биринчи навбатда устунликка эга. Ушбу қонунга асосан, ногиронлиги бўлган шахслар махсус қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида прокуратура органларининг иши янада такомиллаштирилмоқда. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунида ногиронлиги бўлган шахсларга бу каби имтиёз кўзда тутилмаган. Ҳатто “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасида ногиронлиги бўлган шахслар давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига яқка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлса-да, уларнинг устуворликка эга эканлиги қайд этилмаган. Мазкур хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасини қуйидаги хат боши билан тўлдириш таклиф этилади:

“Ногиронлиги бўлган шахслар, шахсий қабул қилишда биринчи навбатда устунликка эга”.

Шу билан бирга, прокуратура фаолиятида аҳолини қабул қилиш ва мурожаатларни кўриб чиқишда уларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Мурожаатлар билан ишлашда юқори маданият ва фуқароларнинг фикрларига ҳурмат билан

ёндашиш прокуратуранинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий ёрдамга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ишлаётган ишонч телефонлари муҳим аҳамиятга эга. Прокурорлар томонидан олиб борилаётган ишларнинг бири – олис ҳудудлар ва қишлоқ жойларидан келган фуқаролар учун ўтказиладиган сайёр қабулларнинг кенгайтирилиши. Бу тадбирлар муҳим аҳамиятга эга, чунки баъзи фуқаролар молиявий аҳволи, ёши ёки саломатлиги сабабли шахсан прокуратурага келиб, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қийинчиликларга дуч келадилар.

Шунингдек, мурожаатларнинг қайтарилган ва қайта қондирилгани, уларнинг динамикаси ва қонуний назоратнинг хусусиятлари, шунингдек, ёрдам кўрсатишдаги камчиликлар ҳам таҳлил қилинади. Бу, ўз навбатида, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича конкрет чораларни белгилашга ёрдам беради. Прокурорлар веб-сайтлар, оммавий ахборот воситалари, сайёр қабулни ташкил этиш ва телефон орқали ёрдам бериш каби замонавий воситаларни фойдаланишда фаол бўлиши керак. Айниқча сайёр қабул шакллари ногиронлиги бўлган шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, прокурор ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, уларнинг ижтимоий-психологик муаммолари ва қийинчиликларини тўлиқ англаши керак. Бу, айниқса, прокурорнинг шахсан фуқароларни қабул қилиш ва ногиронлиги бўлган шахслар билан бевосита ишлаш жараёнида жуда муҳим. Бизнинг фикримизча, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий интеграцияси, уларга ихтиёрий ёрдам ва қўллаб-қувватлаш кўрсатишда прокурорнинг роли муҳимдир.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммоларини ҳал қилишдаги асосий ёндашувлардан бири, бу тиббий ёндашувдир. Бу ёндашувга кўра, инсоннинг ижтимоий муҳитга мослашмаслиги унинг жисмоний ёки руҳий хусусиятлари билан боғлиқ деб ҳисобланади. Шу билан бирга, тиббий ёндашув ижтимоий омилларни, уларнинг кундалик ҳаётига таъсир қилувчи муҳим омилларни етарлича ҳисобга олмайди. Бу ҳолат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий интеграциясига тўсқинлик қилади ва жамиятда уларни салбий тарзда қабул қилишга сабаб бўлади. Биз бундай ёндашувни нотўғри, деб ҳисоблаймиз, чунки у ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаётдаги муаммоларини фақат соғлиқ муаммолар билан боғлайди, шу орқали ижтимоий барқарорликни кучайтириш учун муҳокама қилинган ижтимоий омилларни эътиборга олмайди.

Жисмоний тўсиқлар ногиронлиги бўлган шахсларга қўллаб-қамраб муассасаларига, маданий тадбирларга қатнашиш, транспортдан фойдаланиш имкониятларини чеклайди. Молиявий муаммолардан ташқари, уларнинг нуфузли таълим муассасаларида таҳсил

олиши, юқори маошли иш топиши ва бошқа ижтимоий имкониятларга эга бўлишида ҳам қийинчиликлар мавжуд. Натижада, ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий интеграциядан четлашиб, қисман ижтимоий ишончсизликка дуч келадилар.

Ҳозирги кунда, ривожланган мамлакатларда ногиронлик муаммосига ёндашув сезиларли ўзгарди. Жамиятда ногиронликнинг ижтимоий изоляция ёки камситишларга сабаб бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида кенг қарашлар шаклланди. Ногиронлик масаласи эндиликда фақат уларнинг шахсий муаммолари ёки яқин атрофидаги одамларнинг қийинчиликлари сифатида кўрилмайди, балки бутун жамиятни қамраб олган, унинг барча аъзоларига таъсир этувчи ижтимоий аҳамиятга эга муаммо сифатида қаралади.

Тиббий ёндашув ўрнига ногиронлиги бўлган шахслар уюшмалари томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий модель бутун дунёда кенг тарқалган. Ушбу ёндашувда ногиронлик, биринчи навбатда, атроф-муҳитнинг ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига мослашмаганлиги, жисмоний, ижтимоий ва психологик тўсиқларнинг мажмуи сифатида кўрилади. Бундан ташқари, Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда ногиронликнинг эволюцион тушунча эканлиги, у фақат тиббий эмас, балки ижтимоий тушунча эканлиги белгиланган. Бу ёндашув ногиронлиги бўлган шахслар учун жамиятнинг ҳар томонлама фаол иштирокчиси бўлишни таъминлашга қаратилган.

Ижтимоий моделда, албатта, биологик нуқсонлар ва тиббий патологиянинг мавжудлиги инкор этилмайди. Бу моделда психологик муаммоларнинг асосий сабаблари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги камситилиши, улар билан бошқа одамлар орасидаги психологик тўсиқлар ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш имкониятларининг йўқлиги, деб қаралади.

Айни пайтда, халқнинг аксарияти ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий интеграциясига ижобий муносабатда бўлишини айтишига қарамай, чуқур таҳлил қилинганда, уларнинг муносабатлари барча ҳолатларда ижобий бўлмаганини кўрсатади. Турли илмий тадқиқотлар, жумладан сўровлар натижалари, жамиятдаги кўпчиликнинг ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан салбий ижтимоий стереотипларга эга эканлиги аниқланди.

Тадқиқотчилар кўплаб фуқароларнинг ногиронлиги бўлган шахслар билан яқин алоқаларга тайёр эмаслигини ва улар билан тенг ҳуқуқда мулоқот қилишни билмаслигини таъкидладилар. Агар ижтимоий хизматлар ходимлари ногиронлиги бўлган шахслар билан тўғри ишлаш учун махсус ўқитилса, давлат муассасалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари бу каби маълумотларга эга эмас, улар интуитив равишда ҳаракат қилишади ва баъзан хатоларга йўл қўйишади. Бу ҳолат прокуратура ходимларида ҳам учраб туради. Прокурорлар ногиронлиги бўлган шахслар билан бевосита ишлашда айниқса

юмшоклик ва сабр-тоқат кўрсатишлари керак. Бу нафақат уларнинг хулқ-атвориға, балки жисмоний чекловларнинг ифодаланишини белгилашда ишлатилган атамаларға ҳам тааллуқлидир, чунки ногиронлиги бўлган шахслар ўзларининг ахлоқий ҳолатларига тааллуқли сўзлар ва ҳаракатларға юқори даражада сезгир бўладилар.

Кўпинча, ногиронлиги бўлган шахсларға нисбатан ишлатиладиган оддий ва ҳар кунги сўзлар, уларнинг ўзини камситиш ва салбий стереотипларни шакллантиради, бу эса уларда ҳурматсизлик ҳиссини уйғотади, руҳий хавотирларға сабаб бўлади. Бундай салбий ҳислар одам билан алоқа ўрнатишни ва кейинги ҳамкорликни қийинлаштиради. Шунинг учун, прокуратура органлари ходимлари ҳам тўғри муомалада бўлишни ва ноўрин сўз ҳамда ифодалардан воз кечишни талаб қилади.

Дарҳақиқат, ногиронлиги бўлган шахслар билан мулоқот қилишдаги этика фақат сўзларнинг тўғри ишлатилишиға эмас, балки одоб-ахлоқ ва хулқ-атворға ҳам тааллуқлидир. Бу муносабатларнинг асосий принциплари, жумладан, одамлар билан адолатли ва тенг ҳуқуқда мулоқот қилиш, уларнинг эҳтиёжларига ҳурмат билан ёндашиш, жисмоний ёрдамни фақат зарурат туғилганда ва ногиронлиги бўлган шахснинг хоҳишиға кўра кўрсатишға асосланади. Қўшимча равишда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг шахсий буюмларини, масалан, арава, курилмалар ёки ёрдамчи ҳайвонларнинг ўзига хос хусусиятиға нисбатан ҳурмат кўрсатиш муҳимдир. Шунингдек, сўзлар ва иборалар орқали уларни камситиш ёки эҳтиёжларига беписандлик билан ёндашиш уларнинг ижтимоий интеграциясини қийинлаштиради. Бизнинг фикримизча, жамиятдаги ижтимоий стереотипларни йўқотиш учун, ногиронлиги бўлган шахсларға нисбатан эҳтиёткор ва инклюзив ёндашувни жорий қилиш учун ахборот-маърифий ишларини кучайтириш муҳимдир. Прокурорлар ҳам шу принципларға мувофиқ иш кўришлари зарур, бу уларға ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлашда самарали ва ҳурматли муносабат ўрнатишға ёрдам беради.

Фуқаролар муурожаатларини, айниқса ногиронлиги бўлган шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқишда прокуратура органлари фақат ҳуқуқий механизмларни эмас, балки ижтимоий адолат ва инклюзив ёндашув тамойилларини ҳам қўллаши зарур. Мавжуд статистик маълумотлар ва таҳлиллар муурожаатлар сонининг ўсиши бир томондан прокуратураға бўлган ишончнинг ортиши, иккинчи томондан эса ҳудудларда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Шу боис, прокуратура фаолиятида ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай шарт-шароит яратиш, уларнинг муурожаатларига биринчи навбатда эътибор бериш, ходимларни махсус тайёргарликдан ўтказиш ва жисмоний ҳамда психологик тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўриш муҳимдир. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги юқори маданият, тўғри мулоқот ва ҳурматли

муносабат прокуратуранинг жамиятдаги нуфузини ошириш билан бирга, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ижтимоий ҳаётга интеграциясига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари // Электрон манбаа: <https://prokuratura.uz/#/murojaatlar> (Мурожаат санаси: 18.07.2025)
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 40-модда // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
3. Федеральный закон от 2 мая 2006 г. N 59-ФЗ "О порядке рассмотрения обращений граждан Российской // Электрон манбаа: <https://minjust.gov.ru/ru/documents/7634/> (Мурожаат санаси: 17.07.2025)
4. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.09.2024 й., 03/24/963/0735-сон.
5. “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддаси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2025 й., 03/25/1021/0063-сон.
6. Кузнецова Л.П. Основные технологии социальной работы: учеб. пособие. Владивосток: Изд-во ДВГТУ, 2002. С. 69.
7. Добровольская Т.А., Шабалина И.Б., Демидов Н.А. Социальные проблемы инвалидности // Социолог. исслед. 1988. № 4. С. 79–83.
8. Шарыпов В.Н. Взаимное консультирование инвалидов. Барнаул, 2005. С. 5–6.
9. Социальная работа с инвалидами: учеб. пособие / под ред. Н. Ф. Басова. М., 2012. С. 378–384.
10. Этика общения с людьми, имеющими инвалидность: памятка-рекомендация / сост. Н.А.Назарько. Таганрог, 2013. С. 21.
11. Шарыпов В.Н. Взаимное консультирование инвалидов. Барнаул, 2005. С. 48–50.